

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Депутатлар «Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш сайлов тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мажлис жараёнида ушбу қонуннинг қабул қилиниши сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқроқ амалга оширишга, мамлакатимизда сайлов тизимини янада демократлаштиришга хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Қонунчилик палатаси мазкур қонунни қабул қилди.

«Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи айрим қонун ҳужжатларига «Рақобат тўғрисида»ги қонунга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Тузатишлар «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой ном-

лари тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Фуқаролик кодексларининг, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим моддаларига киритилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга мувофиқ тайёрланган. Депутатлар фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши оилавий корхоналарнинг барқарор ишлаши учун қулай шарт-шароитни таъминлайди ҳамда оилавий корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш учун пухта қонунчилик базасини яратади.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 356-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Унда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани сифатли бошқариш тизимларини жорий этишга, маҳсулотнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказишга, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олишга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтириш назарда тутилган.

Депутатлар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ҳамда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим

қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Парламентарийлар фикрича, қонун лойиҳаси иқтисодиёт асосларига қарши қаратилган ҳамда давлатга жиддий зарар етказмаган хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар бўйича судланганликни олиб ташлаш муддатларини ўртача 2 марта қисқартиришни, бевосита жабрланган тарафнинг давволари бўлмаган тақдирда иқтисодий жиноятлар бўйича жиноят ишларини тугатиш ва судланганликни олиб ташлашни, шунингдек, иқтисодий зарар даражасини белгилаш мезонлари ва жиноий хатти-ҳаракатлар бўйича унинг миқдори оширилишини назарда тутди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, ҳужжатни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлашни масъул кўмитага топширдилар.

Мажлисида кўриб чиқилиб қабул қилинган янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қонун ижодкорлиги жараёнини янада такомиллаштириш, халқаро ва миллий қонун ижодкорлиги фаолияти тажрибасини ҳисобга олган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг самарали механизмларини яратиш ва ушбу ҳужжатлар сифатини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Қонунчилик палатасининг ахборот хизмати материали асосида тайёрланди.

Қонун ва ижро**ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИШ ЖАЗОЛАНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Бош прокуратура ҳамда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуманда жорий йил 11 сентябрда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Юқорида номи зикр этилган қонун билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жазо чораларини қўллашни назарда ту-

ларда бундай шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор

Кейинги икки йилда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилган мансабдор шахсларнинг 300 нафари интизомий, 67 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, 27 нафари лавозимидан озод этилди. Судларга тадбиркорларнинг манфаатини кўзлаб 239 даъво аризаси киритилиб, ноқонуний равишда қабул қилинган 330 қарор бекор қилинди.

тувчи қўшимчалар киритилди. Унга кўра, ваколат берилмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш, текширишлар ўтказиш, ушбу субъектнинг фаолиятини ва банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳол-

шахсларга эса ўн беш бараваридан эллик бараваригача жарима солинади.

Бундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, жиноятнинг оғирлик даражасига қараб, энг кам иш ҳақининг бир юз эллик баравари миқдорида жарима солишдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилишгача бўлган жазо чоралари қўлланилади.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

Қонун ижодкорлари нималар устида ишлашмоқда

Жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг 93-сон қарори билан 2012 йилда қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури тасдиқланди. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг таклифларига кўра ишлаб чиқиладиган лойиҳалар жумласида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири кўрсатилган. Ушбу қонун ҳужжатининг лойиҳасини ишлаб чиқишга масъул ижрочилар ва ҳамкор ижрочилар қилиб Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги белгиланган. Сентябрь ойининг бошларида Федерация Кенгаши қонун лойиҳасини* оммавий муҳокамага олиб чиқди.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАГАН ҲОЛДА

Ўзбекистондаги энг оммавий ННТлари – касаба уюшмалари учун ўзгаришлар вақти етиб келди дейиш мумкин. 1992 йилдан бери амал қилиб келаётган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин – Қонун) мазкур соҳада юз бераётган ҳамда 20 йил ичида жамиятда ва касаба уюшмаларида юз берган муносабатларни етарлича тўлиқ тартибга солмапти. У касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва кафолатларини мустаҳкамлайди холос, бироқ уларни барпо этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини назарда тутмайди, ушбу бирлашмалар фаолиятининг иқтисодий асослари, меҳнат соҳасидаги ижтимоий ҳамкорлик масалалари ҳамда улар фаолиятининг бошқа жиҳатларига етарлича аҳамият бермайди. Қонуннинг янги таҳрири, фикримизча, ушбу нуқсонларни бартараф этиши керак. Қонуннинг мавжуд таҳририни ўзгартириш заруратини яна қандай сабаблар тақозо этади?

Ушбу саволга жавоб беришни биз Қонунчилик палатасининг Демократик институт-
*norma.uz сайтига қаранг.



лар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси, «Норма маслаҳатчи» газетасининг жамоатчи эксперти Олия ЮНУСОВАдан илтимос қилдик.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАГАН ҲОЛДА

1-бетда – Касаба уюшмалари ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тузилади ва иш берувчиларнинг асосий, бироқ конструктив танқидчилари бўлиб хизмат қилишлари керак. Шу сабабли халқаро ҳуқуқда уларнинг фаолияти кафолати – ўзига хос касаба уюшмаси дахлсизлиги мустақамланган бўлиб, анчагина оддий меъёрларни ўз ичига олади. Ходимни ишга қабул қилиш ёки унинг ўз жойини сақлаши учун касаба уюшмасига аъзолик шартини қўйиш керак эмас. Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) 98-«Касаба уюшмаларига бирлашиш ва жамоа мунозараларини юритиш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисида»ги Конвенциясида тўғридан-тўғри кўрсатилмишича, меҳнаткашлар ишга ёллаш соҳасида уюшмалар эркинлигини камситиш тусидаги ҳаракатларга қарши тегишли ҳимоядан фойдаланишлари керак.

Меҳнаткашларнинг сайлаб қўйиладиган вакиллари, шу жумладан касаба уюшмалари вакиллари ҳимоя қилиш ғояси ХМТнинг 135-«Корхонада меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида»ги Конвенциясида ҳам ривожлантирилди. Конвенция, хусусан, ходимларнинг вакиллари уларнинг мақоми, фаолияти, касаба уюшмаси аъзолиги ёки касаба уюшмаси фаолиятида иштирок этишига асосан меҳнат шартномасини бекор қилишдан ҳимоялашни назарда тутди.

Миллий қонунчиликка мурожаат қиламиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалдаги Қонун касаба уюшмаларининг асосий мақсади сифатида ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини белгилайди. Конституция ҳар бир кишининг бирлашишга ҳуқуқини, шу жумладан касаба уюшмалари ташкил этиш ҳуқуқини мустақамлайди. Жамоат бирлашмалари фаолиятининг эркинлигини Конституциянинг 58-моддаси ва Қонуннинг 2-моддаси кафолатлайди.

Ўзига хос мақсад ва вазифаларга эга бўлган касаба уюшмалари фақат ушбу ташкилотларга хос бўлган усуллардан фойдаланиб уларни амалга оширадilar, уставларга мувофиқ ҳаракат қиладилар ва давлат органларида рўйхатдан ўтиш масаласини мустақил ҳал қиладилар. Ходимлар ушбу бирлашмаларининг асосий ҳуқуқ ва кафолатлари амалдаги Қонун билан белгиланган. Бироқ бугунги кунда унинг 22 моддасидан қарийб ярми турли сабабларга кўра, шу жумладан аниқлаштириш, қўшимча ишлаш, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришга эҳтиёж сезганлари учун ишламаяпти.

Бир нечта мисол келтирамиз. Қонуннинг 8-«Касаба уюшмаларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш соҳасидаги ҳуқуқлари» моддасида белгиланишича, «маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идорасининг ташаббуси билан иш жойларининг қисқартирилиши ёки иш шароитининг ёмонлашувига олиб ке-

ладиган корхона ва ундаги таркибий бўлинмаларни тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш тегишли касаба уюшмалари камида **уч ой олдин хабардор қилиб қўйилган ва улар билан меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этиш юзасидан музокара ўтказилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин**.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасида мазкур **меъёр мавжуд эмас**, Меҳнат кодексига (МК) эса **корхона тугатилаётганда** касаба уюшмаларига ахборот бериш талаби умуман келтирилмаган, ходимларни қисқартириш тўғрисида эса уларни уч ой олдин эмас, балки **икки ой олдин** хабардор қилиш керак (МКнинг 102-моддаси). Меъёрларнинг номувофиқлиги яққол кўзга ташланади, улар ортидан эса ёлланма ходимлар муаммолари юзага келади.

Қонун 8-моддасининг учинчи қисми касаба уюшмаларининг бандлик ҳолатини ва ушбу соҳада қонунчиликка риоя этишни назорат қилиш ҳуқуқини мустақамлаган. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда бундай меъёр қайд этилмаганлиги боис ушбу талаблар бажарилмаяпти.

Қонуннинг 11-моддаси меъёри ҳам ишламаяпти, унга кўра касаба уюшмалари мулкдор маъмурияти ёки у вакил қилган бошқарув идораси меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этишларини назорат қилиб боради, аниқланган камчиликларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақлидир. Маъмурият меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунлар бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари тўғрисида бир ой муддат ичида касаба уюшмасига хабар қилиши шарт. Мазкур меъёр касаба уюшмаларининг ушбу мақсад учун инспекциялар, ҳуқуқий ёрдам хизматлари ва бошқа зарур органларга эга бўлиш имконияти билан мустақамланган. Қонун ва МКдан «инспекция» ва «меҳнатнинг ҳуқуқий ва техник инспекциялари» атамаларининг олиб ташланиши касаба уюшмалари назорат ҳуқуқларининг амалга оширилишини тўлиқ тўхтатиб қўйди, чунки ушбу масалалар билан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат қилишга ваколат олган меҳнат инспекторлари шуғулландилар.

Қонуннинг 12-моддасида белгиланишича, касаба уюшмалари ўз аъзоси билан маъмурият ўртасида пайдо бўлган яқка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқади ва улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли қарорлар қабул қиладилар. Бироқ МКнинг 260-«Яқка меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар» моддасида ушбу ҳуқуқ назарда тутилмаган. Шу сабабли амалиётда касаба уюшмалари ўз аъзоларининг яқка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқмайди.

Жамоа меҳнат низоларини ҳал қилиш тартиби тўғрисида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг йўқлиги боис Қонуннинг 12-

моддаси иккинчи қисми ҳам ишламаяпти, унда белгиланишича, касаба уюшмалари меҳнатга доир амалдаги қонунларнинг жамоа шартномаси, битими шартларининг бузилиши, меҳнат ва турмушнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжуд шарт-шароитларини ўзгартириш билан боғлиқ масалаларга доир жамоа меҳнат низоларини кўриб чиқишда қатнаша олади.

Касаба уюшмаларининг маъмурият томонидан жамоа шартномаси бажарилишини назорат қилиш ҳуқуқини мустақамлайдиган Қонуннинг 14-моддаси ҳам ушбу сабабларга кўра ишламаяпти. Яъни касаба уюшмалари маъмуриятга у жамоа шартномаси шартлари бузилишини бартараф этиши тўғрисида тақдимнома киритиш имкониятидан маҳрум этилганлар, тақдимнома бир ҳафта ичида кўриб чиқиши, маъмурият ушбу талабларни қондиришни рад этган ёки битимга эришилмаган тақдирда жамоа меҳнат низоларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш керак. Бунга фақат худди шундай меъёр Меҳнат кодексига йўқлиги сабабчидир (МКнинг 46-моддаси).

Қонуннинг 18-моддаси билан берилган, ишлаб чиқариш фаолиятининг озод қилинмаган ҳолда меҳнаткашларнинг касаба уюшмалари органларига сайланганлар учун кафолатлар ҳам МКнинг 75-«Ходимлар вакиллик органлари аъзоларининг меҳнат соҳасидаги қўшимча кафолатлари» моддасига мувофиқ келмайди.

Шуни айтиш жоизки, амалдаги Қонуннинг қондалари нафақат Меҳнат кодекси ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг, балки «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» (6.05.1993 йилдаги 839-ХII-сон), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги (14.04.1999 йилдаги 763-1-сон) қонунларнинг ҳамда жамият ва давлатни ривожлантиришнинг янги шароитларида кейинги вақтда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг бутун бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари меъёрларига мувофиқ келмайди.

Ишлаб чиқувчилар (Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, адлия, молия ва иқтисодиёт вазирликларининг мутахассислари) ва қонун ижодкорлари ушбу ғоятда муҳим қонун ҳужжати устида ишлаш жараёнида уларни бартараф этибгина қолмай, касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солишнинг халқаро тажрибасини ҳам ҳисобга олишларидан умидвормиз. Қўмитамиз ва Ўзбекистон ХДПнинг Қонунчилик палатасидаги, мен аъзо бўлган фракцияси тақдим этилган лойиҳани амалий тарзда муҳокама қилишда фаол иштирок этадилар. Ишончим комилки, Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрири кучга киргандан кейин ўз касбий манфаатларини ҳимоя қилиш учун ихтиёрий тарзда бирлашган фуқаролар (иш берувчиларда ҳам бундай манфаатлар мавжуд) ўз ҳуқуқларини тўлиқ даражада амалга ошира оладилар.

«Norma» газеталари бирлашган таҳририяти

МЧЖ бош маслаҳатчиси

Маъруф УСМОНОВ суҳбатлашди.

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

– Олий Мажлис Қонунчилик палатасида
– Тадбиркор фаолиятига тўсқинлик қилиш жазоланади

1-бет

✓ ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА

– Меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда
– Валюталар курси

1-2-бетлар

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1, 3-бетлар

✓ ЮРИСТ ШАРҲИ

– Ўриндошлик ва бир неча

лавозимда ишлаш янги таҳрирда
– Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйишга ҳақлими?

4-5-бетлар

✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Ўзимиз кўрсатадиган туристик хизматлар
– Чегириладиган ҳаражатга ҚҚС ҳисобланмайди

– Автомобилга газ ишлатишнинг солиқ оқибатлари

6, 8-бетлар

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Иш вақтининг ҳисоб-китобли меъёрига риоя этиш керак

– Таътил: мавсум тугади – саволлар тугамади **7-бет**

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	2.11.2012	1	0,7849	1	1,0151	1	0,0251
Арманистон	2.11.2012	1	405,96	1	522,67	1	12,96
Беларусь	3.11.2012	1	8530,00	1	11000,00	1	272
Грузия	2.11.2012	1	1,66	1	2,1487	1	5,2923
Қозоғистон	3.11.2012	1	150,84	1	194,22	1	4,81
Қирғизистон	3.11.2012	1	47,1886	1	60,7671	1	1,5037
Латвия	5.11.2012	1	0,545	1	0,702804	1	0,0174
Литва	5.11.2012	1	2,6759	1	3,4528	10	8,521
Молдова	2.11.2012	1	12,3067	1	15,9512	1	0,392
Тожикистон	3.11.2012	1	4,764	1	6,1565	1	0,1539
Ўзбекистон	6.11.2012	1	1960,00	1	2535,36	1	62,46
Украина	2.11.2012	100	799,30	100	1037,092	10	2,5483
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246
Россия	3.11.2012	1	31,3817	1	40,4918	-	-




ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

2012 йил 22–24 октябрь даврида қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

АҲОЛИГА КЎМИР СОТИШ ТАРТИБИ БЕЛГИЛАНДИ

Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари аҳолисина кўмир билан узлуксиз таъминлаш ҳамда 2012–2013 йиллардаги куз-қиш мавсумида унинг нархи ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида **Вазирлар Маҳкамасининг 23.10.2012 йилдаги 305-сон қарори билан Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида кўмир сотишнинг вақтинчалик тартиби белгиланди.** Унга биноан аҳолига кўмир вилоят кўмир сотиш ташкилотлари томонидан Молия вазирлиги «Ўзбеккўмир» ОАЖ дистрибьюторлик марказлари учун белгиладиган нархларда сотилади.

Кўмир сотиш ташкилотларига кўмир **фақат аҳоли эҳтиёжлари учун** «Ўзбеккўмир» ОАЖ билан тузилдиган воситачилик шартномалари бўйича 100 фоиз



олдиндан ҳақ тўлаш шarti билан сотилади.

Қарор билан кўмир сотиш ташкилотлари рўйхатини аниқлаш ва улар фаолиятини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссияларнинг намунавий таркиби тасдиқланди, унга: вилоят ҳоқими (ишчи комиссия раиси) ҳамда Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, ИИБ, ДСҚ вилоят бўлимларининг раҳбарлари киритилган. Ишчи комиссиялар 10 кунлик муддат ичида вилоят кўмир сотиш ташкилотлари рўйхатини тасдиқлашлари ва уларни муайян аҳоли пунктларига бириктирган ҳолда «Ўзбеккўмир» ОАЖга тақдим этишлари керак. Кўмир сотиш ташкилотларини жиҳозлашга доир мажбурий техник талабларга жавоб бериш учун қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

- кўмир омбори;
- кўмир омборига олиб кирувчи темир йўллар;
- кўмир омбори ёритилиши ва қўриқланиши;
- чўмичининг сигими камида 0,5 куб метр бўлган юкортгич;
- юк кўтариш қуввати камида 20 тонна бўлган автотарози;
- юк кўтариш қуввати камида 3 тонна бўлган 2 та автосамосвал;
- кўмир сотиш ташкилотиди (кўмир омбори жойлашган манзил бўйича) пул маблағларини қабул қилиш учун касса аппарати ва терминал.

УМИДСИЗ СОЛИҚ ҚАРЗИ ҲИСОБДАН ҚАНДАЙ ЧИҚАРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 24 октябрдаги 307-сон қарори билан Умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом («СБХ»нинг 1.11.2012 йилдаги 44 (952)-сониди чоп этилган) тасдиқланди.

Низомга мувофиқ тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаганлиги учун қониқтирилмаган солиқ қарзи юридик шахснинг умидсиз солиқ қарзи деб эътироф этилади.

Жисмоний шахснинг умидсиз солиқ қарзи деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) вафот этган жисмоний шахснинг солиқ қарзи — жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ва қатъий белгилаб қўйилган солиққа ҳисобланган пеня ва (ёки) жарималар, вафот этган жисмоний шахснинг солиқлари ва бошқа мажбурий тўловларини тўлаш бўйича солиқ мажбурияти суммасининг мерос қилиб қолдирилаётган мол-мулк қийматидан ортиғи юзасидан;

2) суд томонидан бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган жисмоний шахснинг солиқ қарзи, — ушбу жисмоний шахснинг мол-мулки қийматидан ортиқ бўлган қисми юзасидан;

3) банкрот деб эътироф этилган якка тартибдаги тадбиркорнинг солиқ қарзи, — мол-мулк етарли бўлмаганлиги учун қониқтирилмаган қисми юзасидан.


Жисмоний шахсни бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этишни бекор қилиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинган ёхуд жисмоний шахсни муомалага лаёқатли деб этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда илгари ҳисобдан чиқарилган солиқ қарзи амал қилиши даъво муддатидан қатъи назар тикланади.

Вафот этган жисмоний шахснинг қарздорлиги меросхўр мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам умидсиз ҳисобланади.

Қуйидаги солиқ тўловчиларнинг умидсиз солиқ қарзи:

- юридик шахснинг – ҳўжалик судининг банкрот юридик шахсни тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисидаги ажрими асосида;
- банкрот деб эътироф этилган якка тартибдаги тадбиркорнинг – ҳўжалик судининг тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги тўғрисидаги ажрими;
- жисмоний шахсларнинг – суднинг қарздор жисмоний шахсни бедарак йўқолган ёки муомалага лаёқатсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек қарздор жисмоний шахснинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида ҳисобдан чиқарилади.

Солиқ тўловчиларнинг умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш давлат солиқ хизмати органи раҳбарининг ёки раҳбари ўринбосарининг қарори асосида амалга оширилади. Ушбу қарор тасдиқловчи ҳужжатлар




олинган санадан бошлаб уч иш кунидан кечикмай қабул қилинади.

Давлат солиқ хизмати органи томонидан умидсиз солиқ қарзи суммасини ҳисобдан чиқариш, умидсиз солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечикмай солиқ тўловчининг шахсий карточкасига тегишли ёзувни киритган ҳолда амалга оширилади.

ВРАЧ КАБИНЕТИДА НИМАЛАР БЎЛИШИ КЕРАК?

Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 23.10.2012 йилда 2396-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тиббий фаолиятнинг тегишли тури, ҳажми ва типини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базага, тиббиёт асбоб-ускуналарига ва бошқа техника воситаларига, шу жумладан тиббиёт анжомларига бўлган минимал талаблар тасдиқланди.



Ҳужжатда лицензия асосида тиббиёт фаолиятини (35 турдан ортиқ) амалга оширувчи тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун зарур бўлган тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлари рўйхатлари уларнинг минимал миқдори кўрсатилган ҳолда келтирилган.

Назорат қилувчи органларга Минимал талабларда кўрсатиб ўтилмаган тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлари бўлишини талаб қилиш тақиқланади.

2012 йил 2 ноябрдан кучга кирди.

ФҲДЁ БЛАНКАЛАРИНИ ТЎЛДИРИШНИНГ ЯНГИ ҚОИДАЛАРИ

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 23.10.2012 йилда 2397-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг янги шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тасдиқланди. Шу муносабат билан адлия вазирининг «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида» (рўйхат рақами 2018, 2009 йил 14 октябрь) ва «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш киритиш ҳақида» (рўйхат рақами 2018-1, 2011 йил 19 октябрь) буйруқлари 2013 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Туғилганлик ҳақида, никоҳ тузилганлиги ҳақида, никоҳдан ажралганлик, ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларининг янги шаклларининг аввалгиларидан фарқи шундаки, уларнинг устунлари икки тилда – ўзбек (лотин алифбоси) ва рус тилларида расмийлаштирилади. Бундан олдин улар фақат давлат тили бўлган ўзбек тилида (кирилл алифбоси) тузиларди.

Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини тўлдиришнинг янги қоидаларига мувофиқ далолатнома ёзувлари аввалгидек давлат тилида лотин ҳарфларида киритилади. Шунингдек ёзувлар ҳаво ранг пастали шарикли ручкада киритилиши аниқлаштирилган.

2012 йил 2 ноябрдан кучга кирди.

Ҳужжатларга қисқа шарҳларни
эксперт-юрисгимиз
Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

ЎРИНДОШЛИК ВА БИР НЕЧА

Вазирлар Маҳкамасининг 18.10.2012 йилдаги 297-сон қарори билан Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом (бундан кейин – Низом) тасдиқланди.

Низомда, хусусан, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда меҳнат шартномаларига (контрактларига) мувофиқ ўриндошлик бўйича ишлаётган ёки бир неча касб ва лавозимларда ишлаётган жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг меҳнат муносабатларининг тартибга солиниши белгиланган.

Мазкур Низом қабул қилингунга қадар ўриндошлик бўйича ҳамда бир неча лавозимда ишлаш шартлари (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қисмида) собиқ Иттифоқ Вазирлар Кенгашининг 22.09.1988 йилдаги 1111-сон қарори, Ўриндошлик бўйича ишлаш шароитлари тўғрисида Низом (9.03.1989 йил) ва собиқ Иттифоқ Вазирлар Кенгашининг 1981 йил 4 декабрдаги «Касблар (лавозимлар)ни бирга олиб бориш тартиби ва шартлари тўғрисида» қарорини қўллаш бўйича йўриқнома (собиқ Иттифоқ Меҳнат давлат қўмитасининг 14.05.1982 йилдаги 53-ВЛ-сон) билан тартибга солинган.

1996 йил 1 апрелдан амалга киритилган Меҳнат кодексининг (бундан кейин – МК) IX бобига меҳнатнинг ўриндошлик шартларида ҳам, бир неча касблар (лавозимлар)да ишлаш тартибида ҳам жалб этишга ижозат берадиган 160-модда киритилган. Иккала ҳолда ҳам ходим бажарадиган қўшимча иш тўғрисида сўз борапти.

Бироқ ўхшаш бўлиб туюлса-да, ўриндошлик билан бир неча лавозимда ишлаш ўртасида муайян фарқлар ҳам мавжуд, уларни иш берувчи ҳар доим ҳам эътиборга олавермайди.

1. Тасдиқланган Низомда дастлаб қараганда бир хилда кўринган, аслида эса моҳиятга кўра бутунлай фарқ қилувчи тушунчалар ўртасида аниқ чегара ўтказилган.

Низомга мувофиқ ходим биргина иш берувчида меҳнат шартномасида келишилган ўзининг асосий иши билан биргаликда бошқа касб ва лавозим бўйича қўшимча иш бажариши ва ички тартиб-қоидалари билан белгиланган ўзининг асосий ишидан озод бўлмаган ҳолда, вақтинча бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажариши **бир неча касб ва лавозимда ишлаш** деб эътироф этилади (Низомнинг 20-банди).

Ўриндошлик асосида ишлаш эса – ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажариши (МК 72-моддасининг тўртинчи қисми, Низом 2-бандининг учинчи хатбошиси).

Мазкур формулировкада қуйидаги негиз бўлувчи жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, яъни қуйидаги ҳолларда ўриндошлик тўғрисида сўзлай оламиз, агар:

ходим асосий ишга эга бўлса (яъни ўзининг ёки бошқа иш берувчи билан

меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда бўлса);

меҳнат вазифалари асосий ишдан бўш вақтда бажарилса;

ходим меҳнат шартномаси асосида меҳнат муносабатларига киришса;

унинг меҳнат ҳақи мунтазам тусда бўлса.

Бинобарин, биз ушбу иш турлари ўртасидаги учта асосий фарқни ажратамиз.

Биринчидан, меҳнат шартномасининг борлиги. Ўриндошлик учун мустақил меҳнат шартномаси зарур. Бир неча лавозимда ишлаш учун зарур эмас. Бир неча лавозимда ишлаш – ишларни ходимнинг меҳнат шартномаси доирасида бажариш бўлганлиги боис, у шартномага тегишли қўшимча киритиш йўли билан расмийлаштирилиши керак.

Иккинчидан, ўриндошлик бўйича ишлаганда ходим ишни асосий ишдан бўш вақтда бажаради. Бир неча лавозимда ишлаганда эса ходимда унинг иш вақти доирасида бажарадиган ишлари ҳажми кўпаяди. Табиийки, бир неча лавозимда ишлагани учун иш берувчи ходимга қўшимча ҳақ тўлаши керак.

Учинчи фарқ – меҳнатга турлича ҳақ тўлаш. Ўриндошликда қуйидагича ҳақ тўланади:

амалда бажарилган иш учун – меҳнат ҳақининг ишбай шаклида;

ишланган вақтга мутаносиб равишда – меҳнат ҳақининг вақтбай шаклида.

Бир неча лавозимда ишлашда эса ходимга қўшимча ҳақ шартнома шартларида тўланади.

1.1. Низомда фуқароларнинг айрим тоифалари ўриндошлик бўйича ишлаши тақиқланган. Хусусан, Низомнинг 4-бандига кўра қуйидагиларнинг асосий иш билан бир қаторда ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланади:

18 ёшга тўлмаган шахслар;

агар шахснинг асосий иши меҳнатнинг ноқулай шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлса, шундай шарт-шароитдаги ишларда ишлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси Ижроия аппарати ходимлари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари;

бир-бирига бўйсунувчи ёки бир-бирининг назоратидаги ташкилотларда давлат бошқаруви органлари мутахассислари, соғлиқни сақлашни бошқариш органларида банд бўлган врачлар ва таълимни бошқариш органларида банд бўлган ўқитувчилар бундан мустасно;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўриндошлик асосида ишлаши тақиқланган бошқа шахслар (ходимлар).

Амалиётда ҳукуматнинг алоҳида қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан давлат бошқаруви органлари ходимлари ва баъзи бир бошқа мутахассисларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўриндошлик бўйича ишлашлари тақиқланган, **бундан ижодий, илмий ва ўқитувчилик фаолияти мустасно.**

1.2. Низомнинг 5-бандига ўриндошликнинг икки тури белгиланган:

ички (асосий иш жойи бўйича – МКнинг 81-моддасига мувофиқ иш берувчи ходимнинг меҳнат дафтарчасини юритадиган ташкилотда), иш вақтидан бўш вақтда. Бунда ходимнинг асосий иш жойи ҳисобланган ташкилотда ўриндошлик бўйича ишлашига вақтинча ишда бўлмаган ходим учун ёки вақант лавозим бўйича иш бажарилганда йўл қўйилади;

ташқи (бошқа иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича иш).

Кўпинча айни ички ўриндошликда муаммолар юзага келади, чунки уни кўпинча бир неча лавозимда ишлаш билан чалкаштирадлар.

Масалан, ходима фармацевт сифатида ишга қабул қилинган, бироқ бунда иш берувчи билан битимга кўра унга фаррошлик вазифаси ҳам топширилган. Мазкур ҳолда ички ўриндошлик тўғрисида сўз борапти, чунки ходима асосий ишдан бўш вақтда, яъни иш куни тугаганидан кейин бошқа мунтазам ҳақ тўланадиган ишни бажаради.

Бошқа ташкилотга ўриндошлик шартларида ишлашга қабул қилишда зарур ҳужжатларнинг рўйхати Низомнинг 6-бандига келтирилган. Даъвогарлар: паспортни ёхуд унинг ўрнини босадиган ҳужжатни;

меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича маълумотномани тақдим этиши шарт (МК 80-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси).

Бироқ ички ўриндошдан саналган ҳужжатларни талаб қилмаслик мумкин, чунки барча зарур ҳужжатларнинг нусхаларини ходим тақдим этиб бўлган. Шунингдек ўриндошлик асосида ишлаш учун асосий иш жойидан иш берувчининг, касаба уюшмаси қўмитасининг (ходимларнинг бошқа вакиллик органининг) розилиги талаб қилинмайди.

Низомга кўра қонун ҳужжатларига мувофиқ фақат муайян иш стажига эга бўлган шахслар қўйилиши мумкин бўлган ишга ўриндошлик асосида қабул қилишда асосий иш жойидаги меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси тақдим этилади. Махсус билимларни талаб этадиган ўриндошлик асосида ишга қабул қилишда иш берувчи ходимдан маълум



моти ёки касб-хунар бўйича тайёргарлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд бошқа ҳужжатни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ходим билан ўриндошлик асосида ишлаш учун тузиладиган меҳнат шартномасида иш вақтининг давомийлиги мажбурий тартибда кўрсатилади (Низомнинг 8-банди).

Ўриндошлик асосида иш вақтининг умумий давомийлиги ходимларнинг мазкур тоифаси учун белгиланган иш вақти нормасининг ярмидан ортиқ бўлмаслиги керак. Бинобарин, **башарти асосий иш жойида ҳам у тўлиқ кун ишласа, табелда ўриндошнинг 8 соатли иш кунини акс эттириш амалдаги меҳнат қонунчилигини бузиш ҳисобланади.** Бироқ ходим асосий иш жойидаги меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод бўлган кунларда ўриндошлик асосида тўлиқ иш кунда ишлаши мумкин.

Ташкилотда ўриндошлар учун иш вақти давомийлигининг ҳар кунги ярим нормасига риоя этилиши мумкин бўлмаган тақдирда иш вақтини ҳисобини жамлаб юритишга йўл қўйилади. Бунда ҳисобга олинадиган давр 1 ойдан ортиқ бўлмаслиги, кунлик ишнинг давомийлиги эса – 12 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Агар ўриндош вақтинча бўлмайдиган ходимнинг (айтайлик, болани парвариш-лаш учун таътилда бўлган ходимнинг) вазифаларини бажариш учун ишга қабул қилинган бўлса, меҳнат муносабатларининг муддатли тусини тақозо этадиган алоҳида шароитлар туфайли у билан **муддатли меҳнат шартномаси** тузилади. Мазкур ҳолда **меҳнат муносабатлари номуайян муддатга белгиланиши мумкин эмас.** Бироқ бунга ўриндошлик бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошираётгани сабабчи бўлмайди (МКнинг 76-моддаси).

2. Низомнинг 11-бандига кўра ўриндошлар меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнат шартномасига мувофиқ:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шаклида – ҳақиқатда бажарилган иш учун; меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида – ишланган вақтга мутаносиб тарзда амалга оширилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги Битимни ва Протоколни ратификация қилиш ҳақида» қарори (4.01.1992 йилдаги 481-ХII-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ВМнинг «Собиқ Иттифоқнинг қонуности ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ишларини ташкил этиш тўғрисида» (29.04.1992 йилдаги 210-сон) қарорлари.

ЛАВОЗИМДА ИШЛАШ ЯНГИ ТАҲРИРДА

тизимда иш ҳақи ишнинг қиймати бўйича ҳисобланади.

Агар меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида ўриндошга нормаланган топшириқ белгиланса, у ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш ходим томонидан амалда бажарилган иш учун ишнинг пировард натижаси бўйича тўланади.

Туман коэффицентлари ва иш ҳақиға устамалар белгиланган туманларда ўриндошлик асосида ишловчи шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш коэффицентлар ва устамалар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Ходимга ўртача иш ҳақи ҳисоблаб чиқарилаётганда, мазкур ҳисоблаб чиқаришнинг мақсадларидан қатъи назар, асосий иш жойи ва ўриндошлик бўйича ишга иш ҳақи алоҳида-алоҳида ҳисобланади.

3. Ўриндошларга таътил бериш тартиби Низомнинг 16-бандида аниқ ёзиб қўйилган ва асосий иш бўйича таътил бериш тартибидан фарқ қилади. Хусусан, ўриндошлик бўйича ишловчи шахсларга йиллик асосий, шунингдек улар ҳақли бўлган қўшимча таътиллари асосий иш жойидаги йиллик меҳнат таътили билан бир вақтда берилади (МКнинг 133-моддаси, 143-моддаси учинчи қисмининг олтинчи хатбошиси).

Шу тариқа, МК 143-моддасининг биринчи қисми билан белгиланган меъёр, унга кўра биринчи иш йили учун йиллик асосий таътил олти ой ишлангандан кейин берилади, ўриндошларга нисбатан амал қилмайди.

Ўриндошларга меҳнат таътили учун ўриндошлик бўйича ишдаги ўртача иш ҳақида келиб чиқиб ҳақ тўланади.

Асосий иш жойи бўйича ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг давомийлиги ўрин-

дошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган меҳнат таътилининг давомийлигидан ортиқ бўлса, у ҳолда иш берувчи ўриндошнинг илтимосига кўра унга ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган таътидан ташқари асосий иш бўйича ҳақ тўланадиган таътилнинг қанча давом этиши билан ўриндошлик асосидаги иш ҳақи тўланадиган таътилнинг тафовутини ташкил этувчи кунлар учун иш ҳақи сақланмайдиган таътил беришга мажбурдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўриндошлар ўриндошлик асосидаги иш жойи бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси олиш, аёллар эса, бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари олиш ҳуқуқиға эгадир. Бир неча иш берувчида ўриндошлик бўйича ишловчи шахслар уларнинг ҳаммасидан нафақа олишга ҳақлилар. Соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нухаси ўриндошлик асосидаги иш жойидан нафақа олиш учун асос ҳисобланади.

Ўриндош билан юз берган бахтсиз ҳодиса ўриндошлик бўйича ишланадиган жойда тергов қилинади ва ҳисобга олинади.

4. Иш берувчи олдида бир неча лавозимда ишлаш масаласи анча тез-тез юзага келади.

Низомга кўра фақат ходимнинг ёзма розилиги билан бир неча лавозимда ишлаш мумкин, унда ходим қўшимча ишни бажарадиган муддат, ишнинг мазмуни ва ҳажми кўрсатилади. Ёзма розиликни меҳнат шартномасига қўшимча битим сифатида расмийлаштириш мумкин, чунки МКнинг 73-моддасига мувофиқ ходимнинг меҳнат вазифалари (ихтисослиги, малакаси, лавозими) тўғрисида-

ги шартлар меҳнат шартномасига киритиш учун мажбурий шартлар ҳисобланади.

Бир неча касб ва лавозимда ишлашга, қоидага кўра, ушбу ходим тегишли бўлган ходимлар тоифаси доирасида рухсат берилади. Бюджет ташкилотлари ходимларининг бир неча касб ва лавозимда ишлаши иш берувчилар томонидан Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

Бир неча касб ва лавозимда ишлаш, ўзининг асосий иши билан биргаликда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун қўшимча ҳақ тўланади.

Бундай қўшимча ҳақларнинг энг юқори миқдорлари фақат бюджет соҳаси ходимлари учун – қўшимча лавозим ва касбларнинг лавозим маоши 30%идан кўп бўлмаган миқдорда белгиланган. Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар уларнинг суммаси қўшимча касб (лавозим) бўйича меҳнат ҳақини тўлаш фонднинг миқдоридан ошмаслиги кераклигини эсда тутишлари керак.

Бир неча лавозимда ишлаш шароитида ходим ҳозир бўлмаган ходимнинг вазифаларини бажарадиган вақтни алоҳида ҳисобга олиш керак эмаслигини таъкидлаб ўтамиз, чунки бу ишни ходим асосий иш учун белгиланган иш кунининг нормал давомийлиги доирасида бажаради.

Ходимларга бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик учун тўланадиган қўшимча ҳақлар уни ҳисоблаш, яъни таътил пули, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси, ишдан бўшатиш нафақаси, ишсизлик нафақаси тўлаш учун ва бошқа ҳолларда ўртача иш ҳақиға киритилади

(ВМнинг 11.03.1997 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 133-сон қарорига 6-илова).

5. Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномалари бўйича ўриндошлик бўйича иш МКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган умумий асослар бўйича бекор қилиниши мумкин.

МКга мувофиқ меҳнат қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган кафолатлар ва компенсациялар ўриндошлик бўйича ишловчиларга бошқа ходимлар билан тенг равишда, яъни баъзи истиснолар билан, тўлиқ ҳажмда берилади. Хусусан, ўриндошлар билан меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан бекор қилинганда (МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди) уларга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади (МКнинг 109-моддаси). Бироқ ишга жойлаштириш даврида ўртача ойлик иш ҳақи сақланмайди, чунки асосий иш жойига эга бўлганликлари боис, улар ишга жойлаштиришга муҳтож эмаслар.

Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касб ва лавозимда ишлаш тартибига риоя қилиниши юзасидан жавобгарлик ходимни ўриндошлик асосида ишга қабул қилувчи ташкилотнинг раҳбари зиммасига юкланади (Низомнинг 28-банди).

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
эксперт-юристимиз.

Бевосита мулоқот

ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИНИ ОЛИБ ҚЎЙИШГА ҲАҚЛИМИ?

ЙХХДХ инспектори йўл ҳаракати қоидаларини бузганлигим учун (рухсат берилмаган жойда тўхташ) автомобилни тўхтатди. Баённома тузгач, у ҳайдовчилик гувоҳномамни олиб қўйди.

Қандай ҳолларда ЙХХДХ инспекторлари ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйишлари, қайси ҳолларда олмасликлари мумкинлигини тушунтириб берсангиз.

Ҳурмат билан Олим.

– Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг¹ (бундан кейин – Йўриқнома) 17-бандига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини таъминлаш ва улар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга (МЖТК) мувофиқ транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тартибидан маъмурий жазо қўллани-

лиши мумкин бўлса, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий баённомага, шунингдек талонга ёзиб қўйилиб, талон ҳуқуқбузарга қайтариб берилади.

Агар мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётган даврда такроран транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда, ҳуқуқбузарнинг талони олиниб, мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ

шаклда вақтинчалик рухсатнома берилади.

Ҳайдовчи вақтинчалик рухсатнома билан транспорт воситасини бошқариш пайтида такроран транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, унга бошқа вақтинчалик рухсатнома берилиб, унда аввалги вақтинчалик рухсатноманинг амал қилиш муддати қайд этилади ва бу ҳақда маъмурий баённомага ёзиб қўйилади.

Йўриқноманинг 6-бандига кўра, агар шахс ўзи содир этган ҳуқуқбузарликни тан олса ва унга шу жойининг ўзида солинадиган жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг бир бараваридан ошмаса, баённома тузилмайди.

Агар жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг бир бараваридан ошса, баённома расмийлаштирилади, ҳуқуқбузарга ҳайдовчилик гувоҳномаси ва талони қайтариб берилади (бундан мазкур Йўриқноманинг 17-бандида кўрсатилган ҳоллар мустасно).

МЖТКнинг 128-6-моддасига кўра транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини

бузиши – ЭКИХнинг 3 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур моддада транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартибидан маъмурий чора кўрсатилмаган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқилса, агар сиз транспорт воситасини тўхтатиш ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузган бўлсангиз, йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ходими транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйишга ҳақли эмас эди.

Ахмат ҲИҚМАТОВ,
адвокат.

Эълон

Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига
Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни 22-моддасига асосан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 40-уй, 6-хонадонда жойлашган «OLTIN ZOOVETAGRO SERVIS» масъулияти чекланган жамиятига 2011 йил 29 ноябрда берилган, серияси У, бланка рақами 2217, реестр рўйхат рақами 2081, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар, Бешқувур кўчаси, 2-уйда жойлашган «DELFIN» масъулияти чекланган жамиятига 2004 йил 30 мартда берилган, серияси У, бланка рақами 0145, реестр рўйхат рақами 134 ва Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 6-микрорайон, 1/3-уй, 36-хонадонда жойлашган «XOLMIRZO VETSAVDO» кўп тармоқли хусусий корхонасига 2005 йил 1 августда берилган, серияси У, бланка рақами 0410, реестр рўйхат рақами 383 бўлган лицензияларнинг амал қилиш муддати 10 иш кунига ветеринария фаолиятини лицензияловчи органнинг 2012 йил 30 октябрдаги 124-сон қарорига асосан тўхтатилади.

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎЗР АБнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99899) 187-04-68, (+99899) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

¹Ички ишлар вазирининг АВ томонидан 5.07.2011 йилда 2240-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

ЎЗИМИЗ КЎРСАТАДИГАН ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР

Биз билан Самарқанд шаҳар солиқ инспекцияси ходимлари ўртасида эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилганда имтиёз ва преференцияларни қўллаш мақсадида туристик фирмалар учун ўзи кўрсатадиган хизматларни аниқлаш қоидалари хусусида баҳсли масала юзага келди.

Бизнинг компаниямиз – хусусий туристик фирма. Асосий фаолият тури кириш туризми каналида туристик фаолият ҳисобланади. Тегишли лицензиямиз бор.

15 йил мобайнида ўз кучимиз билан Ўзбекистон бўйлаб турларни шакллантирамиз ва уларни республикадан ташқарига чет эллик юридик шахсларга (турфирмаларга) реализация қиламиз, улар ўз навбатида туристик йўлланмалар (ваучерлар)ни ўз мижозлари – ушбу мамлакатларнинг туристларига сотадилар. Компаниямиз билан чет эллик ҳамкорлар ўртасида комплекс турларга тегишли шартномалар тузилган, улар чет эллик туристларга тўлиқ хизмат кўрсатишни: самолёт зинасидан тушиш пайтидан бошлаб ватанларига қайтиб кетиш учун самолётга кузатиш пайтигача ўз ичига олади. Компаниямиз, туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, ўз мамлакатидан Ўзбекистон бўйича комплекс турни сотиб олган, мамлакатимизга келган ҳар бир чет эллик фуқаро учун тўлиқ жавобгар бўлади.

Фирма балансида микроавтобуслар (компаниямизда транспорт хизматлари кўрсатишга лицензия ва ҳар бир транспорт воситасига лицензия картчаси мавжуд) ва Самарқанд шаҳрида жойлашган меҳмонхона бор. Компания штатида гидлар ишлайди, уларнинг ҳар бири «Ўзбектуризм» МК сертификатига эга ва ҳар йили малака ошириш курсида ўқийдилар.

Чет эллик фуқароларни Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги (Тошкент, Хива, Бухоро ва ҳоказо) меҳмонхоналарда жойлаштириш, уларнинг овқатланиши, экскурсиялар ва ҳоказоларни ташкил этиш биз шакллантирадиган турларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Фирмамиз ушбу шаҳарларда жойлаштириш ва овқатланишни ташкил этиш учун ўзининг маблағларига эга эмаслиги боис, Ўзбекистон бўйлаб турни шакллантириш чоғида кўпинча унинг таркибига яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар комп-

лексини киритамиз, уларни чет ташкилотлардан (меҳмонхоналар, ресторанлар ва ҳоказо) харид қиламиз, бунинг учун ўзимиз ҳақ тўлаймиз.

Ўз турларимизни комплекс хизматлар пакетлари сифатида ягона нархда реализация қиламиз. Шу муносабат билан фирмамиз кўрсатадиган туристик хизматларни ўзимиз кўрсатган хизматларнинг экспорти деб ҳисоблаймиз.

Туристик хизматлар кўрсатишдан тушумни ЭАВда оламиз. Корхонамиз кичик бизнес субъекти ҳисобланиши боис, буни эса фирмада ишлайдиган ходимларнинг сони тақозо этади, биз валюта тушумининг 50%ини мажбурий сотмаймиз.

Бизга чет эллик ҳамкорлар уларнинг ҳудудида реализация қилинган, компаниямиз шакллантирган турпакетлар учун ўтказадиган ЭАВдаги маблағлар бизнинг валюта ҳисобварағимизга ўтказилади.

Валюта ва экспорт-импорт операцияларини тўғри амалга оширганлигининг мувофиқлаштирув текшируви пайтида ДСИ ходимлари биз чет ташкилотлардан харид қиладиган ва ҳақ тўлайдиган яшаш ва овқатланиш хизматлари ўзимиз кўрсатадиган хизматлар ҳисобланмайди деган қарорга келишди. Уларнинг фикрича, турларни шакллантириш ва реализация қилиш компаниямизнинг ўз маҳсулоти ҳисобланмайди, унга бошқа етказиб берувчиларнинг айрим хизматларини харид қилиш ва реализация этиш сифатида қараяптилар.

Чет эллик туристларга Ўзбекистонга саёҳат давомида зарур бўлган туристик ва бошқа хизматлар комплексини ўз ичига оладиган ўз турларини ишлаб чиқиш, шакллантириш ва сотиш (турагентлар қилаётгандек «бегонна» турларни қайта сотиш эмас) ўзи кўрсатган хизматларга кирадими?

Биз уларга доир ҳуқуқларни олган ва хизмат кўрсатиш далолатномасига, шунингдек чет эллик ҳамкорларимиз имзолайдиган ҳисобварақ-фактурага киритган чет эллик туристларнинг яшаши ва овқатланиши бўйича хизматларга тўланган суммалардан чет эл валютасидаги тушумдан мажбурий сотишни амалга оширишимиз керакми?

У.Бердиев, директор.

«Туризм тўғрисида»ги Қонун (20.08.1999 йилдаги 830-1-сон, бундан кейин – Қонун) 3-моддасининг ўнинчи хатбошисига мувофиқ туристик хизматлар – туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлари. Ушбу модданинг еттинчи хатбошиси туристик фаолият субъектларига белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотларни киритади.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий қоидалардан келиб чиқилганда

туристик хизматлар қўшма хизматлар бўлиб, бир неча турдаги хизматлар комплексини ўз ичига олади. Бунда мазкур жамлик Қонунда хизматларнинг алоҳида тоифасига ажратилган ва Фуқаролик кодексининг 81-моддасига асосан туристик хизматлар фуқаролик ҳуқуқларининг мустақил объектига киради. Шу сабабли юридик шахс кўрсатадиган хизматларни «туристик хизматлар» тоифасига киритган ҳолда баҳолашни **фақат комплекс тарзда** амалга ошириш тўғри, уларни Қонун билан улар таркибига киритилган ҳар бир хизмат бўйича алоҳида кўриб чиқиш тўғри бўлмайди.

Шу тариқа, туристик фаолият субъекти кўрсатадиган, туристик хизматлар таркибига кирадиган хизматлар, Қонун-

да берилган таърифга кўра, уларнинг ўз хизматлари сифатида баҳоланади. Улар Эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишда имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарларни (ишларни, хизматларни) аниқлаш қоидалари (МВ ва ДСКнинг АВ томонидан 16.02.2011 йилда 2195-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 2195-сон Қоидалар) 5-бандининг бешинчи хатбошисига келтирилган «ўзи кўрсатган хизматлар» таърифига

¹Мазкур меъёр ўзи кўрсатган хизматни корхона ўз кучлари билан кўрсатган хизмат сифатида белгилайди.

²Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига кирадиган корхона ва ташкилотларнинг классификацияси (ВМнинг 11.10.2003 йилдаги 439-сон қарори билан тасдиқланган).

Тўлиқ жавоб norma.uz сайтида берилган.

тўлиқ даражада мос тушади¹.

Хизматларни экспорт қилиш деб ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) жойдан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан чет давлатнинг юридик ёки жисмоний шахси учун ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш эътироф этилади (2195-сон Қоидаларнинг 1-банди учинчи хатбошиси).

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби (ВМнинг 29.06.2000 йилдаги 245-

сон қарорига 1-илова) 3-банди «е» кичик бандига биноан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан микрофирмалар, кичик корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган хизматларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушуми қисмида озод қилинади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, белгиланган мезонлар² бўйича микрофирма ёки кичик корхона ҳисобланган, лицензия асосида туристик хизматлар кўрсатадиган ва Қонунда берилган таърифга кўра туристик фаолият субъекти ҳисобланган юридик шахс мазкур фаолият тури бўйича валюта тушуми бир қисмини мажбурий сотишдан озод қилинган.

Артём МОКШИН,
«Норма» эксперт юридик хизматининг раҳбари.

Реклама

МУЗЛАТКИЧ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ



Тошкент ш., Боғишамол кўч., 160
Тел.: (+998 71) 234-34-75, 234-12-69
235-11-30, 216-09-00, 217-09-57

WWW.AZN.UZ
E-mail: azn@azn.uz
маҳсулот сертификатланган

Эълонлар

ИШ

Кейинчалик ШЭХМга киритиш мақсадида ҳужжатларни шакллантириш (матн териш талаб этилмайди) учун 22-35 ёшлардаги ходима ишга таклиф этилади. Иш ҳақи 500 минг сўмдан юқори. Резюмеи жўнатиш учун e-mail: interline@list.ru. Батафсил маълумотлар www.interline.uz сайтида. Тел. 372-96-80 (Ирина).

22-35 ёшлардаги, DELPHI ни биладиган дастурчи ходима керак. Иш ҳақи 500 минг сўмдан юқори. Резюмеи жўнатиш учун e-mail: interline@list.ru. Батафсил маълумотлар www.interline.uz сайтида. Тел. 372-96-80 (Ирина).

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. (+99890) 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, (+99890) 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Дарвозалар, тўсиқлар, панжараларни жимжимадор қилиб ясаш. Арзон.
www.golden-kovka.uz
Тел. (+998 90) 955-68-02.

Компьютерлар, ноутбукларни таъмирлаш, Дастурий таъминот ва антивирус ўрнатиш. Жойига чиқиш билан. Тўлов – исталган шаклда.
Тел.: (+998 94) 620-25-05, 276-99-38.

Сервис маркази. Принтерлар, компьютерлар, мониторларни таъмирлаш, картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел. 996-77-87.

Солиқ органига, туман статистика бўлимига, Халқ банкига топшириладиган электрон ҳисоботлар учун дастурларни ўрнатиш, сошлаш.
Тел. 963-89-58.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

ИШ ВАҚТИНИНГ ҲИСОБ-КИТОБЛИ МЕЪЁРИГА РИОЯ ЭТИШ КЕРАК

Агар бунда иш вақтидан ташқари ишлар бир йилда йўл қўйиладиган давомийлик – 120 соатдан ошиб кетса, бир сменада (суткада) 12 соатдан ишлаш режимини белгилаш мумкинми?

Ж. Мусаев,

унитар корхона юрисконсулти.

– Ҳа, мумкин, бироқ Меҳнат кодекси (бундан кейин – МК) VII бобининг меъёрига риоя этиш зарур.

Амалда, ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас (МКнинг 115-моддаси).

Бироқ бир қатор ҳолларда қонуннинг ушбу талабларига амалда риоя қилиш мумкин эмас (масалан, узлуксиз амалга оширилиши керак бўлган ишлар ба- жаррилишида). Нормал кунлик ёки ҳафталик иш вақти давомийлигига риоя этиб бўлмайдиган бундай ишлаб чиқаришлар ва ишлар учун қонунда иш вақтининг жамланган ҳисобини жорий этиш имконияти назарда тутилган.

Иш вақти ҳисобини юритиш иш берувчининг мажбуриятидир. Иш вақти ҳисобини юритиш нафақат меҳнат инти- 95 га риоя этишни назорат қилиш, балки ходимларга меҳнат ҳақини ўз

вақтида ва тўғри тўлаш имконини ҳам беради.

Шуни ёдда тутиш муҳимки, корхона- да иш вақтининг жамланган ҳисобини юритиш тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари (бундан кейин – Қоидалар) билан белгиланади (МКнинг 174-моддаси).

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўлланиш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдори тенглаштиришга қаратилган чоратадбирлар жамоа шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгила- нади.

Қоидаларда ҳисоб даврининг муддати белгиланиши керак. У ой, чорак, ярим йил бўлиши мумкин. Бироқ ҳисоб дав- ри 1 йилдан, кундалик иш (смена) муд- дати эса 12 соатдан ошмаслиги лозим (МК 123-моддасининг биринчи қисми). Чунончи, агар ташкилотда ҳисоб даври ой бўлса, ходимлар, масалан, 2012 йил октябрида 167 соатдан, ноябрида эса 176 соатдан кўп ишламасликлари керак (2012 йил учун иш вақти ҳисоб-китоби, МАИМКВ томонидан 21.10.2011 йилда 02-05/3058-сон билан тасдиқланган).

Иш вақтининг жамланган ҳисоби хо- димларнинг айрим тоифаларини (ноги- ронларни, ҳомиладор аёлларни ва 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлма- ган ногирон боласи) бор аёлларни, 18 ёшга тўлмаган шахсларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш учун бел- гиланган чеклашларга риоя этган ҳолда юритилади (МК 220-моддасининг бешин- чи қисми, 228, 245-моддалари).

Иш вақти ҳисобини жамлаш чоғида **ходим учун ҳисоб даврида белгилан- ган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади** (МК 124-моддаси биринчи қисми).

Иш вақтининг жамланган ҳисобини юритиш чоғида иш вақтидан ташқари ишларнинг ҳисоби ортиқча ишланган соатларни ҳисоблашни тақозо этади ва умумий тартибда, яъни ҳисоб даври

тугаганидан кейин юритилади. Ҳисоб давридаги нормал иш соатлари сони- дан ташқари иш учун камида икки ҳисса миқдоридан ҳақ тўланади. Мазкур қоида МКнинг 157-моддаси билан белгиланган ва иш вақтидан ташқари ишларнинг барча ҳолларига татбиқ этилади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартнома- сида, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан ходимларнинг вакил- лик органи билан келишиб белгилана- ди. Бироқ шуни унутмаслик лозимки, иш вақтидан ташқари иш ҳар доим иш бе- рувчининг ташаббуси билан амалга оширилади. Иш вақтидан ташқари ишга жалб этишнинг ҳар бир ҳолати буйруқ билан расмийлаштирилиши керак. Айтиш учун иш вақтидан ташқари иш соатлари- га ҳақ ҳисоблаш учун асос ҳисоблана- ди.

Иш вақтининг жамланган ҳисоби юритилганда суткадаги ёки иш ҳафта- си мобайнидаги иш вақти муддатининг ходимларнинг муайян тоифаси учун белгиланган меъёрдан тафовут қилишига йўл қўйилади. Бунинг натижасида ортиқча ишланганлик учун бошқа кунларда (ҳаф- тада) камроқ вақт ишлаш ёки қўшимча дам олиш кунлари берилиб, компенса- цияланади. Бироқ **ҳисоб даврида уму- ман ходим томонидан ишланган вақт муддати белгиланган ҳафталик меъ- ёрдан** (масалан, ҳафтада 40 ёки 36 соат) **ошиб кетмаслиги керак.**

ТАЪТИЛ: МАВСУМ ТУГАДИ – САВОЛЛАР ТУГАМАДИ

Корхонамизда жорий йилга йиллик таътиллار бериш жадвали тасдиқ- ланган. Жадвал кўринадиган жойга илинган. Бироқ иш берувчи ходимга жадвал бўйича ёзги даврга белгиланган таътилни шу вақтда беришдан бош тортиб, буни унга интизомий жазо берилганлиги билан изоҳлади. Ёз ўтиб бўлди, ходим эса меҳнат таътилидан мўлжалланган даврда фойда- лана олмади.

Жадвал касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган. Касаба уюшмаси қўмитаси унинг ижросини назорат қилиши керакми?

С.Туманова,

– Таътиллار жадвали локал меъёрий ҳужжат бўлиб, иш берувчи томонидан ҳам, ходимлар томонидан ҳам унинг ижро этилиши мажбурийдир. Бунинг маъно- си шуки, **иш берувчи ҳам, ходим ҳам жадвал билан белгиланган таътил- га чиқиш вақтини бир тарафлама тар- тибда ўзгартиришга ҳақли эмас.** МКнинг 144-моддаси уни ҳар бир таш- килотда тасдиқлаш мажбурийлигини белгилайди, унга мувофиқ ташкилот ходимларига таътил бериш навбати уларнинг вакиллик органи билан келишган ҳолда белгиланади.

Агар ходимни жадвал билан белгилан- ган таътил вақти қаноатлантормаса, у иш берувчига ва ташкилотнинг тегиш- ли сайлаб қўйиладиган вакиллик орга- нига уни ўзгартириш илтимоси билан му- рожаат қилиши мумкин. **Таътилга чи- қиш вақти иш берувчининг ташаббу- сига биноан ҳам ўзгартирилиши мумкин, бироқ албатта ходимнинг розилиги олинishi керак.**

Тасдиқланган таътиллار жадвали ташкилотдаги барча ходимларнинг эъти- борига етказилади. Одатда жадвал бўлин- маларга илинади ёки ходимлар у билан тилхат берган ҳолда таништирилади. Бироқ бу ҳол иш берувчининг ҳар бир ходимни таътил бошланишидан-камида

15 кун олдин таътил бошланадиган вақт тўғрисида хабардор қилиш мажбурия- тини истисно қилмайди (МКнинг 144-моддаси).

Ходимга интизомий жазо қўллан- ганлиги сабабли тасдиқланган жад- валга мувофиқ ёз даврига белгилан- ган йиллик таътилни бермаслик меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатла- рида назарда тутилмаган. Агар иш берувчи таътил бериш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя эт- маса ва тасдиқланган таътиллار жад- валини бузса, ходимлар ўзларининг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун назорат қилиш органларига (давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига, прокура- турага) ёки меҳнат низоларини кўрадиган органларга (корхонанинг меҳнат низо- лари бўйича комиссияси, судга) му- рожаат қилишга ҳақлилар.

Ходимлар вакиллик органининг ва- коллатларига келсак, МКда локал меъ- ёрий ҳужжатлар ходимларнинг вакиллик органи билан келишиладиган ҳоллар назарда тутилади. Бунинг маъноси шуки, улар ижросини, шу жумладан таътил бериш жадвали ижросини на- зорат қилиш мажбурияти ходимларнинг вакиллик органи зиммасига ҳам тушади (МКнинг 9-моддаси).

Ишхонамизда ташкилотда таътиллار учун ҳақ тўлашга пул йўқлиги- ни эълон қилишди. Иш берувчи ана шунга асосланиб ходим таътили- ни кейинга кўчириши мумкинми?

Артур,

– Йўқ, иш берувчи бундай қилишга ҳақли эмас.

Қоида тариқасида йиллик таътиллار даври учун хо- димга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланиши кафолатланади. Таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасидан олдинги охириги иш кунидан кечикмай амалга оширилади (МКнинг 148-моддаси).

МК 145-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ агар **ходим белгиланган муддатда** (яъни таътиллار жад- валига биноан) таътилни бошланиш вақти тўғри- сида ўз вақтида хабардор қилинмаган ёки унга таътил бошлангунга қадар таътил вақти учун ҳақ тўланмаган бўлса, таътил ходимнинг аризасига мувофиқ бошқа вақтга кўчирилиши мумкин.

Ташкилотда 5 кунлик иш ҳафтаси амал қилади (яъни шанба ва якшанба – ишланмайдиган кунлар). Йиллик таътил 21 иш кунини ташкил қи- лади. Кадрлар бўлими хизмати табелни тўлдираётганда таътил кунлари- га шанбани ҳам киритади. Шу туфайли таътил қисқаради. Айтишлари- ча, қонунга кўра шундай қилиш керак экан, бироқ қандай қонун бўйича- лигини айтишмади.

Агар мазкур ташкилотда 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган бўлса, таътил кунларига шанбани киритишлари тўғрими?

Ш.Нуриддинова,
бош бухгалтер.

– Ҳа, тўғри.

МКнинг 139-моддасига мувофиқ таътиллارнинг муддати олти кунлик иш ҳафтаси юзасидан календарь бўйича иш кунлари билан ҳисоблаб чиқарилади. Таъ- тил даврига тўғри келиб қолган ва МКнинг 131-моддасига мувофиқ ишланмайдиган кунлар деб ҳисобланадиган байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди.

Бунда агар ходим таътилининг тугаши ички меҳнат тартиби қоидаларига кўра унинг дам олиш куни арафасига тўғри келса, ходим ишга дам олиш кунидан кей- инги биринчи иш кунидан чиқиши керак.

ЧЕГИРИЛАДИГАН ХАРАЖАТГА ҚҚС ҲИСОБЛАНМАЙДИ

Корхонамиз асосий фаолияти автотранспорт воситасида йўловчиларни ташиш хизмати бўлиб, умумбелгиланган солиқлар тўловчиси ҳисобланади. Корхонамиз фаолиятида ишлатиладиган автомобилларнинг аксарият қисмини ҳайдовчиларнинг шахсий автомобиллари ташкил қилади. Автомобилларнинг лицензия, йиғим ҳамда суғурта харажатлари корхона ҳисобидан тўланади.

Солиқ кодексининг 208-моддаси 1-бандида юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи, патент божи, йиғим ёки бошқа тўловлар ундириладиган хизматларга имтиёз берилгани кўрсатилган.

Ушбу имтиёзлар бизнинг корхонамизга ҳам тааллуқлими? Бу имтиёзлардан асосан кимлар фойдаланиши мумкин?

А.Хусанов, «Феруз» МЧЖ таъсисчилари раиси.

– Тўғри, Солиқ кодексининг (СК) 208-моддасида юридик ва жисмоний шахсларга муайян ҳуқуқлар берилганда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган, давлат божи, патент божи, йиғим ёки бошқа тўловлар ундириладиган хизматлар оборотлари қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши назарда тутилган. Бироқ бу модда сизнинг ташкилотингизга тааллуқли эмас. Ушбу модда айнан давлат божи, патент божи, йиғим ёки бошқа тўловлар ундириладиган давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ваколатли ташкилотларга тааллуқли бўлиб, сизнинг корхонангиз улар қаторига кирмайди.

Саволингизда баён этилган ҳолатдан келиб чиқиб, қуйидаги қоидаларни эътиборга олишингизни лозим деб ҳисоблаймиз.

СКнинг 197-моддасига асосан солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланадилар.

Солиқ солинадиган оборот солиқ солиш объекти ҳисобланади. Бунда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, товарни ва бошқа мол-мулкни жўнатиш (сотиш), мол-мулкни бепул бериш (ишларни бепул бажариш, хизматларни бепул кўрсатиш) товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти деб эътироф этилади.

Бу ерда шунга эътибор қаратиш керакки, солиқ тўловчининг товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти солиқ солинадиган оборот ҳисобланади (бундан СКнинг 208, 209 ва 210-моддаларига мувофиқ

қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган оборотлар мустасно).

Тушунишимизча, сизнинг фаолиятингизда корхонада ишловчи ходимлар билан тузилган шартномалар асосида уларнинг шахсий автомобилларидан фойдаланилади ва корхона ўз фаолиятида айнан шу автомобиллардан фойдаланиш мақсадида улар учун тегишли лицензия ва давлат божлари ҳақини тўлайди. Ушбу ҳолат корхонанинг реализация қилиш оборотига кириш ёки кирмаслигига аниқлик киритмоқчисиз.

Бу ерда шунга эътибор қаратиш керакки, корхона жисмоний шахсларнинг фойдаси учун эмас, балки айнан ўз фаолиятини юритиш учун лицензия ва давлат божларига харажат қилади. Автомобилнинг эгаси эса корхонанинг ходими сифатида лицензияланган автомобиль ҳайдовчиси ҳисобланади, холос.

СКнинг 141-моддасига асосан ваколатли ташкилотлар томонидан муайян ҳуқуқлар ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни беришни назарда тутувчи ҳужжатларни берганлик учун йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлар бўйича харажатлар, шунингдек товарларни (ишларни, хизматларни) экспертизадан ўтказиш ҳамда маҳсулотни сертификатлаштириш билан боғлиқ харажатлар корхонанинг бошқа харажатлари ҳисобланиб, корхонанинг чегириладиган харажатлари гуруҳига киради. Корхонанинг бундай харажатлари эса ҚҚС бўйича солиқ солинадиган оборот бўлмайди ва бу харажатлар учун ҳеч қандай ҚҚС ҳисобланмайди.

АВТОМОБИЛГА ГАЗ ИШЛАТИШНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

Корхонамиз юк ташиш фаолияти билан шуғулланади. Юк автомобилларимизга газ қуйиш шохобчалари билан тузилган шартномага асосан пул ўтказиш йўли билан сиқилган газ харид қиламиз.

Жорий йилнинг май ойида «Авто Газ Зафар» МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2010 йилдаги ПҚ-1449-сон қарорига асосланиб 2011 йил давомида бизга етказиб берган ҳар бир куб метр газ қиймати га қўшимча 175 сўмдан истеъмол солиғи ҳисоблаб, қайта ҳисоб-китоб қилиб тўловни амалга оширишимизни талаб қилди.

«Авто Газ Зафар» МЧЖнинг ҳаракатлари тўғрими?

Л.Ли, «Сарбон» МЧЖ бош бухгалтери.

– СКнинг XIV бўлими билан жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ белгиланган. СКнинг 301-моддасида ушбу солиқнинг тўловчилари бўлиб жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар ҳисобланиши белгиланган.

Солиқ солинадиган база сифатида газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган ҳажми олинади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2010 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1449-сон қарорининг 21-илоvasида берилган изоҳда юридик шахсларга чакана нархларда чакана савдо тармоғи (автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари) орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газ сотишда чакана нархда ҳисобга олинадиган жисмоний шахслардан бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига олинадиган солиқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бюджетга тўланиши белгилаб қўйилган.

Бундан СКнинг 304-моддасида жисмоний

шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланиши ҳамда реализация қилинаётган бензин, дизель ёқилғиси ва газ учун маблағларни олиш билан бир вақтда ундирилиши белгиланган.

Бундан келиб чиқадики, агар 2011 йил давомида «Авто Газ Зафар» МЧЖ томонидан реализация қилинган сиқилган газ сизнинг ташкилотингизга чакана нархлар бўйича сотилган бўлса, у ҳолда газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ сиздан газ учун маблағларни олиш билан бир вақтда ундирилган ҳисобланади ва бу солиқларни бюджетга тўлаб бериш «Авто Газ Зафар» МЧЖ зиммасида қолади. Бундан газ реализация қилган ташкилотнинг сиздан ҳар бир куб метр газ қиймати га қўшимча 175 сўмдан истеъмол солиғини талаб қилишга ҳақли эмас.

Агар реализация қилинган сиқилган газ сизнинг ташкилотингизга чакана нархлардан паст нархда, яъни транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни айирган ҳолда сотилган бўлса, у ҳолда бу сиқилган газни реализация қилган корхонанинг ўзида ҳам газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўлаш мажбурияти юзага келмайди.

1. Бизнинг жамият автомобилларга сиқилган газ (метан) қуйиш фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Истеъмолчиларга чакана нархларда нақд пул орқали, юридик шахсларга эса пул ўтказиш йўли билан сиқилган газ сотяпмиз.

Ташкилотимиз газни қайта ишловчи ҳисобладими ёки савдо ташкилотими, солиқларни қайси фаолият бўйича тўлашимиз керак?

2. СКга кўра истеъмол солиғи тўловчиси бўлиб транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатган жисмоний шахслар ҳисобланади.

Юридик шахсларнинг номида бўлган автомобилларга шартнома орқали пул ўтказиш йўли билан сотилаётган газ учун истеъмол солиғи тўлаймизми?

М.З.Юсупова, «Diydor» МЧЖ бухгалтери.

– 1. Сизнинг автомобилларга сиқилган газ (метан) қуйиш фаолиятингиз газни қайта ишлаш эмас, балки табиий газдан автомобиллар учун сиқилган газ ишлаб чиқариш, яъни ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи сифатида сиз ўз маҳсулотингизни нақд пулга ҳам, пул ўтказиш йўли билан ҳам сотишингиз мумкин. Бундан сиз ушбу фаолиятингиз бўйича ишлаб чиқарувчи корхоналарга белгиланган ставка бўйича солиқ тўлашингиз зарур.

2. СКнинг XIV бўлими билан жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ белгиланган. Ушбу солиқнинг тўловчилари бўлиб жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни чакана реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар ҳисобланиши СКнинг 301-моддасида белгиланган.

Солиқ солинадиган база сифатида газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган ҳажми олинади.

Солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда солиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.12.2011 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» ПҚ-1675-сон қарорининг 21-илоvasида жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкалари кўрсатилган.

Унга асосан транспорт воситалари учун 1 куб метр сиқилган газ учун 200 сўм белгиланган.

Шунингдек, юридик шахсларга автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари орқали бензин, дизель ёқилғиси ва газ сотишда жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ қонунчиликда белгиланган тартибда бюджетга тўланиши ва сотиш нархида ҳисобга олиниши юқоридаги ПҚ-1675-сон қарорнинг 21-илоvasида алоҳида қайд этиб ўтилган.

Жавобларни экспертизани Муроd МУХАМЕДЖАНОВ тайёрлади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон, Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУХАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Зулфия Раҳимбекова

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.

Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 569 Адади 2 760. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 5 ноябрда соат 15.00 да топширилди.

ISSN 2010-5223